O'zbekiston Respublikasi
Sirdaryo viloyati
hokimining
QARORI

Республика Узбекистан
ПОСТАНОВЛЕНИЕ
хокима Сырдарьинской области

2019 yil "26" август № 215 Guliston sh.

Вилоят иқтисодиёти тармоқларини, кўп квартирали турар жой фонди ва ижтимоий соҳаларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида

Вилоят иқтисодиёти тармоқларини, кўп квартирали турар жой фонди ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга ўз вақтида тайёрлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 30 июлдаги "Республика иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПҚ-4407-сонли қарори, Ўзбекистон Республикасининг "Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида"ги Қонунининг 6, 14-моддалари, "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги Қонунининг 6, 25-моддаларига асосланиб, **қарор қиламан:**

1. Вилоят иқтисодиёти тармоқларини, кўп квартирали турар жой фонди ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича комплекс тадбирлар (бундан буён – Комплекс тадбирлар) 1-иловага;

асосий муҳандислик коммуникацияларини ва технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва капитал таъмирлаш параметрлари 2-иловага;

асосий муҳандислик коммуникациялари ва технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва жорий таъмирлаш параметрлари 3-иловага;

ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврларида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 4-иловага;

кўп квартирали турар жой фондини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш параметрлари 5-иловага;

асосий ёқилғи-энергетика ресурсларини ҳудудлар бўйича 2019/2020 йиллар куз-қиш даври учун тайёрлаш параметрлари 6-иловага;

вилоят иқтисодиёти тармокларини, кўп квартирали турар жой фонди ва ижтимоий соҳаларни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга

тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси (бундан буён – вилоят комиссияси) таркиби 7-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Вилоят комиссияси (Ж.Ибрахимов):

ўн беш кунлик муддатда коммунал соҳа ташкилотлари, қозонхоналар, кўп квартирали уйлар, таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари ҳамда ижтимоий соҳанинг бошқа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича жойларда ишларнинг ҳолати танқидий ўрганиб чиқилишини;

ўрганиш натижалари бўйича туманлар, шаҳарлар бўйича вилоят ташкилотлари, туман, шаҳар ҳокимликлари томонидан Комплекс тадбирларни амалга оширишнинг тармоқ жадваллари ишлаб чиқилиши ва тасдиқланишини, шунингдек, вилоят иқтисодиёти тармоқларини, кўп квартирали турар жой фонди ва ижтимоий соҳаларни 2019/2020 йилларда куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ва таъминлаш параметрлари ўз вақтида бажарилишини таъминласин.

3. Туман, шаҳар ҳокимлари ўз раҳбарлигида ҳудудлардаги иқтисодиёт тармоқларини, кўп квартирали турар жой фонди ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича ҳудудий комиссияларни ташкил этсин.

Туман, шаҳар ҳокимлари, вилоят бошқармалар ва ташкилотлари раҳбарлари зиммасига иқтисодиёт тармоқлари ва ижтимоий соҳани 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашга йўналтирилган тадбирлар ҳамда ишлар ўз вақтида ва сифатли бажарилиши учун шахсан масъулдир.

4. Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари Ж.Ибрахимов ва О.Абдуғаниев туманлар ва шаҳарларда ижтимоий соҳа объектлари ва кўп квартирали уйларни куз-қиш даврига тайёрлашни, автомобиль йўллари, кўчалар ва бошқа умумий фойдаланадиган жойлар, маҳаллий қозонхоналар, иссиқлик, сув қувурлари ва канализация тармоқлари тартибга келтирилишини, шунингдек, кўмир маҳсулотлари ғамланишини ташкиллаштириш баробарида назоратини таъминласин;

назорат натижалари бўйича объектларни куз-қиш даврига тайёрлаш учун масъул бўлган барча тузилмаларнинг фаолиятини мувофиқлаштириш, мавжуд муаммоларни ҳал қилиш ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш, маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органлари раҳбарларнинг шахсий масъулиятини ошириш юзасидан зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқсин.

5. Вилоят бўйича газ таъминоти филиали (Ж.Хидиров), “Сирдарё ҳудудий электр тармоқлари” АЖ (А.Хайдаров) 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида ёнилғи-энергетика ресурслари, электр энергияси етказиб бериш, трансформаторларни таъмирлаш ва уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш, табиий ва суюлтирилган газ билан таъминлашда юзага келадиган

муаммоларни барвақт аниқлаш ва ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўрсин.

"Темирйўлёнилғитаъмин" бошқармаси Тошкент ОТФХ Сирдарё кўмир омборлари бўйича (З.Абудуғаффоров) билан биргаликда асосий ёнилғи-энергетика ресурслари ва кўмир маҳсулотларини барча тоифадаги истеъмолчиларга ўз вақтида, узлуксиз етказиб берилишини таъминласин.

6. Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари А.Каримов:

а) вилоят иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси (Ш.Халбаев), туман, шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда:

2018/2019 йиллар куз-киш даврида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини жорий йилда ғамлашда йўл қўйилган камчиликларни таҳлил қилиш асосида шаҳарлар ва туманлар бўйича аҳолининг эҳтиёжларидан келиб чиқиб 2019/2020 йиллар қиш-баҳор даври учун аҳоли истеъмолига ва ижтимоий соҳалар таъминотига қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг асосий турларини ғамлаш ҳажмларини белгиласин, нархларнинг кескин кўтарилиб кетишига йўл қўймаслик мақсадида картошка, пиёз, сабзи, карам ва дуккакли экинлар каби маҳсулотларни ғамлашга алоҳида эътибор берсин;

ғамланадиган қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлашга зарур шароитлар яратиш, ғамлашнинг тўлиқлиги ва талаб даражасида сақланишини ташкиллаштирсин;

б) вилоят молия бош бошқармаси (А.Рахимов) вилоят комиссиясининг хулосасига кўра зарурат кескин бўлган ҳудудларда Комплекс тадбирларни ўз вақтида молиялаштириш учун қўшимча захираларни аниқлаш чораларини кўрсин.

7. Вилоят ҳокимининг ўринбосари Ж.Ибрахимов Комплекс тадбирларнинг бажарилиши тўғрисида вилоят ҳокимига тизимли ахборот берилишини таъминласин.

8. Вилоят ҳокимининг 2018 йил 17 сентябрдаги "Сирдарё вилояти иқтисодиёти тармоқлари ва ижтимоий соҳаларини 2018/2019 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга комплекс тайёрлашни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги 467-сонли қарори ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

9. Вилоят ҳокимлиги девонхонаси (Ғ.Содиков) мазкур норматив-ҳуқуқий ҳужжат "Сирдарё ҳақиқати" газетасида чоп этилишини ва вилоят ҳокимлигининг расмий веб-сайтига жойлаштирилишини, электрон шаклда бир кунлик муддатда ижрочилар ва туман, шаҳар ҳокимликларига етказилишини ташкиллаштирсин.

10. Туманлар, шаҳарлар ҳокимликлари мазкур қарорни қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига ўз вақтида етказсин.

11. Ушбу қарор расмий нашрда эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

12. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Каримов, Ж.Ибрахимов ва О.Абдуғаниевлар зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **Ғ. Мирзаев**

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI SIRDARYO VILOYATI HOKIMLIGINING MAHKAMASI
UMUMIY BO'LIM №2

Вилоят ҳокимининг
2019 йил “26” августдаги
215 сонли қарорига
1-илова

Вилоят иқтисодиёти тармоқлари, ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни таъминлаш бўйича белгиланган

ТАДБИРЛАР

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажаришга масъул
1	Вилоят бўйича (ҳар бир соҳаларда амалда бажариладиган ишлар тури, масъул раҳбарларни бириктириш ва бажарилиш муддати белгиланган ҳолда) тадбирлар белгилаш, жумладан: 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида шаҳар ва туманлардаги муҳандислик коммуникациялари, технологик асбоб ускуналар, қозонхоналар, ижтимоий соҳа ва уй-жой фонди объектларини барқарор ишлашга тайёрлаш бўйича; узоқ олис ҳудудларда (қишлоқ жойларда) яшовчи аҳолига узлуксиз суюлтирилган баллонли газ етказиб бериш (суюлтирилган газга мўлжалланган аҳоли хонадонларига таом тайёрлаш мақсадида), шунингдек, кўмир ёқилғиси (6-илова) ҳамда ичимлик сувининг муқобил турлари (ташиб келтириш ҳисобига) билан таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш.	2019 йил 10 августга қадар	Шаҳар, туман ҳокимликлари, вилоят халқ таълими, ўрта махсус касб-ҳунар таълими, соғлиқни сақлаш бошқармалари, вилоят “Сувоқова” ДУК, вилоят бўйича газ таъминоти филиали, “Сирдарё ҲЭТК” АЖ, “Темирйўлёнилғитаъмин” бошқармаси Сирдарё кўмир омборлари
2	Ўтган куз-қиш мавсумида йўл қўйилган камчиликларни ҳисобга олган ҳолда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларини ишончли тарзда иссиқлик таъминоти, электр энергияси, табиий газ билан таъминлаш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқиш.	2019 йил 10 августга қадар	Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, вилоят бўйича газ таъминоти филиали, “Сирдарё ҲЭТК” АЖ,
3	2019/2020 йиллар куз–қиш мавсумида табиий газ таъминоти танқис бўлиши кутилаётган аҳоли яшаш пунктларини аниқлаш ва шу асосда аҳоли ва ижтимоий соҳа объектларига 2019 йил учун тақсимланган кўмир ва кўмир брикети етказиб бериш графикларини	2019 йил 10 августга қадар	Вилоят бўйича газ таъминоти филиали, «Темирйўлёнилғитаъмин” бошқармаси Сирдарё кўмир

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажаришга масъул
	тасдиқлаш (6 илова).		омборлари
4	Иқтисодиёт тармоқларини техник туз билан таъминлаш бўйича график ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш; 2019 йил 1 октябргача иқтисодиёт тармоқларини техник туз билан таъминлашни амалга ошириш.	2019 йил 10 августга қадар 1 октябрь 2019 йил	Сирдарё Автомобиль йўллари бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари
5	Табиий газ етиб бормайдиган аҳоли пунктларидаги газ қувурлари ва газ тақсимлаш қурилмаларидан табиий газ етиб борувчи ҳудудларнинг газ таъминотини яхшилаш учун манзилли фойдаланиш бўйича тегишли қарорларни қабул қилиш.	2019 йил 10 августга қадар	Туман ва шаҳар ҳокимлари, вилоят бўйича газ таъминоти филиали
6	Маиший газдан фойдаланишда фавқулодда ҳолатлар бўйича комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	2019 йил 10 августга қадар	Вилоят бўйича газ таъминоти филиали, вилоят ИИБ ЁХБ, вилоят ФВБ
7	2019/2020 йиллар куз–қиш мавсумида ҳаво хароратининг кескин пасайган кунларида газ таъминоти қисқарадиган улгуржи истеъмолчилар рўйхатини тузиш ва тасдиққа киритиш.	2019 йил 10 августга қадар	Вилоят бўйича газ таъминоти филиали, “Ўздавнефтгазинспекция”нинг вилоят бўлими
8	2019/2020 йиллар куз-қиш мавсуми давомида энерготизимнинг максимум юкланиш вақтларида электр энергиясидан оқилона фойдаланиш бўйича чора-тадбирлар белгилаш.	2019 йил 15 сентябр	“Сирдарё ХЭТК” АЖ
9	2019/2020 йиллар куз-қиш мавсуми давомида электр ва газ тармоқларидан ўчирилмайдиган ўта муҳим ва тоифаланган объектлар рўйхатини тузиш ва тасдиққа киритиш.	2019 йил 5 сентябр	“Сирдарё ҲЭТК” АЖ, Вилоят бўйича газ таъминоти филиали, “Ўздавэнергоназорат” давлат инспекцияси вилоят бўлими, “Ўздавнефтгазинспекция”нинг вилоят бўлими
10	2019/2019 йиллар куз-қиш мавсуми давомида табиий газ етиб бормайдиган ва газ танқислиги кутилаётган ҳудудларга суюлтирилган газ ёқилғисини шаклланган баланс ресурслари ва тақсимотга асосан ажратиш.	2019 йил 1 октябр 2019 йил 1 март	“Сирдарёгазтаъминоти” вилоят бошқармаси

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажаришга масъул
11	2019 йил октябр ойидан 2020 йил апрел ойига қадар вилоятдаги улгуржи ва аҳоли истеъмолчиларига табиий газ етказиб беришнинг ойма-ой графигини ишлаб чиқиш.	2019 йил 1 сентябрь	Вилоят бўйича газ таъминоти филиали
12	Брикет ишлаб чиқарувчи корхоналарни ташкил этган ҳолда аҳолини ушбу ёқилғи тури билан таъминлаш.	2019 йил 1 октябрь	Вилоят ҳоимининг ўринбосари “Темирйўлёнилғитаъмин” бошқармаси Сирдарё кўмир омборлари
13	Куз-қиш мавсумида корхона ва ташкилотларнинг иситиш қозонларини узлуксиз ишлашини таъминлаш мақсадида суюқ ва қаттиқ ёқилғи захирасини яратиш ҳамда орттирилган табиий газ фондини аҳоли эхтиёжи учун етказиб бериш.	2019 йил 1 ноябрь	Корхона ва ташкилотлар
14	Идораларараро манзилий дастурга асосан ижтимоий соҳа муассасаларидаги фойдаланишдаги иситиш қозонларини белгиланган муддатларда кўмирга мослаштириш.	2019 йил 1 ноябр	Вилоят халқ таълими, Соғлиқни сақлаш, Ўрта махсус касб-ҳунар таълими бошқармалари
15	Ҳар бир ширкатларга ва маҳаллаларга бириктирилган тижорат банклари, СЭС ходимлари, солиқ инспекторлари, участка нозирлари иштирокида барча ширкатлар ҳудудларини ободонлаштириш, қиш мавсумига тайёргарлик кўриш бўйича тасдиқланган дастурларнинг сўзсиз ижросини таъминлаш бўйича: кўп қаватли уй-жой фондини белгиланган норма ва қоидаларга мувофиқ техник эксплуатация қилиш, уларни техник соз ҳолатда сақлаш; кўп қаватли уйларда санитар-техник ва ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этилишини, қурилма ва жиҳозларни узлуксиз ва соз ҳолатда ишлашини таъминлаш; кўп қаватли уйларда жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш бўйича мунтазам кўрик олиб бориш, кўп қаватли уйларнинг ички тизимларида юзага келиши мумкин бўлган авариялы ҳолатларни бартараф этиб бориш;	Тасдиқ ланган тармоқ жадвали асосида	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимлари

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажаришга масъул
	ҳар бир ширкатлар раисларига баҳо бериб бориш, вазифасига нолойиқ ширкат раисларини қайта сайлаш; ширкат раҳбарларининг аҳоли олдида доимий ҳисобот тизимини жорий этиш.		
16	Ички йўлларда таъмирлаш ишларини олиб бориш ва музламаларни ҳосил бўлишини олдини олиш мақсадида ободонлаштириш бошқармаларида материал техник ресурсларни жамғариш бўйича чора-тадбирлар белгилаш.	2019 йил 10 августга қадар	Туман ва шаҳар ҳокимликлари, ободонлаштириш бошқармалари
17	Туман ва шаҳарлардаги кўп қаватли уйларда таъмирлаш ишларини олиб бориш учун тижорат банкларини кредит маблағларини ажратилиши бўйича зарурий тадбирларни белгилаш.	2019 йил 1 октябргача	Марказий банк вилоят бош бошқармаси, вилоятдаги тижорат банклари
18	Кўп қаватли уйларни том қисмини мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш.	2019 йил 1 октябргача	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари
19	Кўп қаватли уй-жой фонди, бинолар ва иншоотларнинг ёнғин хавфсизлиги техник талабларига мувофиқлигини ўрганиб чиқиш.	2019 йил 1 сентябргача	Вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси
20	Иссиқлик билан таъминланмайдиган кўп қаватли уй-жойларни аниқлаш; Мазкур кўп қаватли уйларни иссиқлик билан таъминлаш учун тегишли чораларни кўриш.	2019 йил 1 сентябрь	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари
21	Амалдаги норма ва қоидаларга мувофиқлик муддатлари ўтган кўп қаватли уйларда мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини олиб бориш учун маҳаллий бюджет, тижорат банклари кредит маблағлари ва ширкатлар маблағларини ажратилишини таъминлаш.	2019 йил 1 октябрь	Марказий банк вилоят бош бошқармаси, Вилоят молия бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари
22	Тижорат банкларининг кредит маблағлари ҳамда имтиёзли равишда ажратиладиган қурилиш материаллари ҳисобига кўп қаватли уйлар оралиғидаги тротуарлар ва кириш қисмини бетон қопламаси билан қоплаш ишларини амалга ошириш.	2019 йил 1 октябрь	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, туман ва шаҳар ҳокимликлари
23	Кўп қаватли уй-жойларни иситиш мавсумига тайёрлашни якунига етказиш, бунда иссиқлик тармоқларини изоляция қилиш бўйича	2019 йил 1 октябрь	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, туман ва шаҳар

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажаришга масъул
	режалаштирилган ишларни бажарилишини таъминлаш, уй-жойларни иссиқлик таъминотини яхшилаш учун тадбирларни амалга ошириш, муҳандислик коммуникациялари жойлашган кўп қаватли уйларнинг ертўла ва чордоқ қисмларини текширилишини ташкил этиш, кўп қаватли уйларнинг чордоқ, ертўла ва кириш қисмларини ёпилшини таъминлаш.		ҳокимликлари
24	2-ва 3-иловаларга асосан қозонхона жиҳозларини мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини амалга ошириш, уларни тайёргарлиги юзасидан далолатномалар расмийлаштириш, сертификатга эга жиҳозлардан фойдаланилишига алоҳида эътибор қаратиш.	2019 йил 1 октябрь	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси, “Саноатгеоконтехназорат” давлат инспекцияси
25	Мукаммал ва жорий таъмирланадиган қозонлар, иссиқлик тармоқлари, шунингдек, изоляциялаш ишларининг 4-иловага асосан манзилли рўйхатларини “Ўздавэнергоназорат” давлат инспекцияси ҳамда “Ўздавнефтгазинспекция”нинг вилоят бўлимлари тақдим этиш.	2019 йил 1 сентябрь	Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси
26	Мукаммал ва жорий таъмирлаш ишларини ҳамда иссиқлик тармоқларини изоляцияси бўйича амалга оширилган ишларни манзилли ўрганиш ҳамда эксплуатация қилиш техник талабларига мувофиқлигини текширилишини амалга ошириш.	2019 йил 1 октябрь	“Ўздавэнергоназорат” давлат инспекцияси, “Ўздавнефтгазинспекция”нинг вилоят бўлимлари
27	Болалар масканлари, мактаблар, болалар уйи, ўқув муассасалари, поликлиникалар, қишлоқ врачлик пунктлари, шифохоналар, “Мурувват” ва “Саховат” уйлари реабилитация марказларини қиш мавсумига тайёрлаш билан боғлиқ комплекс чора-тадбирларни амалга ошириш.	2019 йил 1 сентябр	Вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари
28	2019/2020 йиллар куз-қиш мавсумига ижтимоий соҳа объектларини тайёрлаш бўйича мукаммал ва жорий таъмирлаш бўйича ўрнатилган режаларнинг сўзсиз бажарилишини таъминлаш.	2019 йил 1 сентябрь	Вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари
29	“Мурувват” ва “Саховат” уйлари, реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари объектларида иситиш тизимларини хатловдан ўтказиш ва тиклаш.	2019 йил 1 сентябрь	Вилоят ҳокимининг ўринбосарлари А.Каримов, Ж. Ибрахимов

№	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажаришга масъул
30	Ижтимоий соҳа муассасалари талаби асосида сертификатга эга иситиш қозонларини ишлаб чиқилишини таъминлаш.	2019 йил 1 сентябрь	Вилоят халқ таълими, соғлиқни сақлаш, ўрта махсус касб-хунар таълими бошқармалари
31	2019/2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишларни ҳудудий комиссия томонидан муҳокама этиб бориш.	Ҳар 15 кунда	Ҳудудий комиссия
32	2019/2020 йиллар куз-қиш мавсумига тайёргарлик кўриш борасида амалга оширилаётган ишларни оммавий-ахборот воситаларида кенг ёритиб бориш.	Доимий	Вилоят телерадиокомпанияси, “Сирдарё хақиқати” газетаси таҳририяти

Вилоят хокимининг
2019 йил "26" августдаги
215 -сонли қарорига
2-илова

Асосий муҳандислик коммуникацияларини ҳамда технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида ҳудудлар бўйича мукаммал таъмирлаш

ПАРАМЕТРЛАРИ

т/р	Ҳудудлар	Марказлашган козонхоналар (дона)		Локал қозонхоналар (дона.)		Қозонлар (дона)		Иссиқлик тармоқлари (км)		Сув тармоқлари (км)		Газ тармоқлари, (км)		Электр тармоқлари (км)		Трансформатор подстанциялари (дона)	
		жами	шундан мук. таъмир	жами	шундан мук. таъмир	жами	шундан мук. таъмир	жами	шундан мук. таъмир	жами	шундан мук. таъмир	жами	шундан мук. таъмир	жами	шундан мук. таъмир	жами	шундан мук. таъмир
Жами вилоят бўйича		**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**2604,7**	**8,2**	**2913,9**	**2,3**	**8049,8**	**586,6**	**2526**	**205**
	шу жумладан:																
1	Гулистон шаҳри									247,8	2,8	423,6	1,5	462,0	20,0	256	18
2	Ширин шаҳри									41,5	0,3	64,4		70,8	5,3	37	5
3	Янгиер шаҳри									130,5	0,4	198,8		181,6	19,6	114	15
4	Боёвут тумани									397,1	0,6	386,3		927,0	87,5	303	23
5	Гулистон тумани									324,5	0,9	252,9		823,1	53,0	233	20
6	Мирзаобод тумани									229,5	0,6	149,9		633,1	54,0	231	20
7	Оқолтин тумани									216,1	0,5	106,7		602,3	60,1	205	20
8	Сардоба тумани									176,5	0,3	61,8		493,9	34,5	203	15
9	Сайхунобод тумани									286,3	0,3	323,8		795,4	45,9	319	20
10	Сирдарё тумани									383,9	0,9	465,2	0,8	907,9	47,0	303	15
11	Ховос тумани									171,0	0,6	480,6		817,7	44,6	322	34
	35-110 кВ тармоқлар хизмати ва ПСлар													1335,0	115,1		

Вилоят хокимининг
2019 йил "26" августдаги
215-сонли қарорига
3-илова

Асосий муҳандислик коммуникацияларини ҳамда технологик асбоб-ускуналарни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида ҳудудлар бўйича жорий таъмирлаш

ПАРАМЕТРЛАРИ

т/р	Ҳудудлар	Марказлашган қозонхоналар, (дона)		Қозонхоналар, (дона.)		Қозонлар, (дона)		Иссиқлик тармоқлари, (км)		Иссиқлик тармоқлари изоляцияси, (км)		Сув тармоқлари, (км)		Газ тармоқлари, (км)	ГТҚ ларни тафтишдан ўтказиш, (дона)	Электр тармоқлари (км)		Трансформатор подстанциялари, (дона)	
		жами	шундан жорий таъмир	жами	шундан жорий таъмир	жами	шундан жорий таъмир	жами	шундан жорий таъмир	жами	шундан жорий таъмир	жами	шундан жорий таъмир	жами	жами	жами	шундан жорий таъмир	жами	шундан жорий таъмир
Жами вилоят бўйича		**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**0**	**2 604,7**	**14,1**	**11,2**	**1 791**	**8 049,8**	**6 250,6**	**2 526**	**1 829**
	шу жумладан:																		
1	Гулистон шаҳри											247,8	2,5		402	462,0	364,7	256	185
2	Ширин шаҳри											41,5	1,2	1,0	40	70,8	58,5	37	27
3	Янгиер шаҳри											130,5	1,5	1,1	86	181,6	143,8	114	83
4	Боёвут тумани											397,1	1,5	0,8	188	927,0	717,8	303	220
5	Гулистон тумани											324,5	1,6	0,7	177	823,1	637,7	233	169
6	Мирзаобод тумани											229,5	0,9	1,5	78	633,1	491,6	231	167
7	Оқолтин тумани											216,1	0,8	0,9	80	602,3	468,2	205	148
8	Сардоба тумани											176,5	0,7	0,5	45	493,9	703,1	203	219
9	Сайхунобод тумани											286,3	0,8	2,9	131	795,4	616,4	319	231
10	Сирдарё тумани											383,9	1,4	1,6	412	907,9	384,3	303	147
11	Ховос тумани											171,0	1,2	0,3	152	817,7	633,6	322	233
35-110 кВ тармоқлар хизмати ва ПСлар																1335,0	1 030,9		

Вилоят хокимининг
2019 йил "26" августдаги
215 -сонли қарорига
4-илова

Ижтимоий соҳа объектларини 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш ҳамда капитал ва жорий таъмирлаш

ПАРАМЕТРЛАРИ

т/р	Ҳудудлар	Мукаммал таъмирлаш										Жорий таъмирлаш								
		Мактаблар (дона)		Болалар богчалари (дона)		Болалар богчалари ойналарини таъмирлаш (кв.м)		Касалхоналар ва амбулатория-поликлиника муассасалари, "Мурувват", Саховат" уйлари, реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун пансионат ва санаторийлар (дона)		Шифохона ва амбулатория поликлиника муассасаси (дона)		Мактаблар (дона)	Мактаб ойналарини алмаштириш (кв.м)	Болалар уйи ва махсус мактаб интернатлар (дона)	Болалар богчалари (дона)	Болалар богчалари ойналарини таъмирлаш (кв.м)	Шифохона ва амбулатория поликлиника муассасаси (дона)	Касалхоналар ва амбулатория-поликлиника муассасалари, "Мурувват", "Саховат" уйлари, реабилитация марказлари, уруш ва меҳнат фахрийлари учун пансионат ва санаторийлар (дона)	Мусиқа ва санъат мактаби (дона)	Махсус санъат ва маданият мактаблари ва академик лицей
		жами	шундан мук. таъмир	жами	шундан мук. таъмир	сони	шундан мук. таъмир	жами	шундан мук. таъмир	жами	шундан мук. таъмир									
Жами вилоят бўйича		302	0	178	7	1	50	2	0	124	1	127	1 641	0	91	1 565	8	0	2	1
	шу жумладан:																			
1	Гулистон шаҳри	18		19	1	1	50			28		9	285		8	235	2			1
2	Ширин шаҳри	4		5						3		2	200		2	42	1			
3	Янгиер шаҳри	11		13				1		5		2	30		5	277				
4	Боёвут тумани	54		29	2					14		33	300		14	175	1		1	
5	Гулистон тумани	29		17	2					10		5	210		10	190				
6	Мирзаобод тумани	35		16	1					12		5	10		9	76	1			
7	Оқолтин тумани	18		8						7		8			5	20	1		1	
8	Сардоба тумани	21		11						9	1	9	60		9	236				
9	Сайхунобод тумани	40		16						12		27	265		10					
10	Сирдарё тумани	43		29				1		13		13	136		16	75	1			
11	Ховос тумани	29		15	1					11		14	145		3	239	1			

Вилоят хокимининг
2019 йил "26" августдаги
215-сонли қарорига
5-илова

Кўп қаватли уй-жойларни 2019/2020 йиллар куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлаш мақсадида жорий ва капитал таъмирлаш

ПАРАМЕТРЛАРИ

т/р	Ҳудуд номи	Таъмир-талаб кўп қаватли уйлар сони (дона)	шу жумладан, иш турига қараб:											
			том қисмини таъмирлаш (минг кв.м)	кириш йўлаги		Ички муҳандислик тармокларини таъмирлаш ва жиҳозлаш (дона)	Уйларни фасад қисмини таъмирлаш (дона)	болалар майдончасини янгидан қуриш ва таъмирлаш (дона)	шу жумладан:		ирригация тизимини таъмирлаш (узунлиги)	Тратуарларни бетон қопламаси билан таъмирлаш (минг кв.м)	Уй-жой худудидаги ташқи ёритиш тизимини таъмирлаш (дона)	Ноқонуний қурилмаларни бузиш (дона)
				Кириш йўлаклари (дона)	Темир эшикларни ўрнатиш (кодли қулф билан) (дона)				янги қуриш (дона)	таъмир-лаш (дона)				
Вилоят бўйича жами:		**102**	**43,8**	**291**	**115**	**1**	**93**	**3**	**3**	**0**	**0**	**9,5**	**76**	**166**
	шу жумладан													
1	Гулистон шаҳри	47	16,5	140			43	1	1			1,1	22	
2	Ширин шаҳри	1	1,2	8		1						0,3	1	
3	Янгиер шаҳри	12	0,6	44	44		12	1	1			2,4	12	4
4	Боёвут тумани	4	2,9	13	3		4					0,4	4	5
5	Гулистон тумани	3	1,8	6	6							1,4	3	39
6	Мирзаобод тумани	8	4,6	16	12		8	1	1			0,7	8	15
7	Оқолтин тумани	3	1,6				2							18
8	Сардоба тумани	2	1,1	4	4		2					0,6	2	46
9	Сайхунобод тумани	2	0,9	4			2						4	
10	Сирдарё тумани	16	8,6	44	34		16					2,1	16	15
11	Ховос тумани	4	3,8	12	12		4					0,4	4	24

Вилоят ҳокимининг
2019 йил "26" августдаги
215-сонли қарорига
6-илова

Асосий ёқилғи-энергетика ресурсларини ҳудудлар бўйича 2019/2020 йиллар куз-қиш даври учун тайёрлаш

ПАРАМЕТРЛАРИ

т/р	Ҳудудлар	Кўмир (тонна)																	Аҳоли учун суюлтирилган газ (тн)	Техник туз (ти)
		Жами кўмир талаби	Бюджет тармоғи	Шундан:		Жумладан:								Жисмоний тарбия ва спорт		Аҳоли эҳтиёжи учун	шундан		Кўмир брикет ишлаб чиқарувчиларга		
						Ҳалқ таълими		Мактабгача таълим		Согликни сақлаш		ЎМКХТ									
				кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети	кўмир	кўмир брикети		кўмир	кўмир брикети			
Жами вилоят бўйича		**16 829**	**5 829**	**1 511**	**4 318**	**968**	**2 766**	**231**	**661**	**192**	**548**	**120**	**343**	**0**	**0**	**11 000**	**8 000**	**3 000**	**0**	**6 403,0**	**734,6**
	шу жумладан																				
1	Гулистон шаҳри	0	0	0	0											0					50
2	Ширин шаҳри	25	0	0	0											25	10	15			10
3	Янгиер шаҳри	30	10	3	7					3	7					20	12	8		28,8	40
4	Боёвут тумани	3 179	1 482	356	1 126	269	779	33	161	34	96	20	90			1 697	1 250	447		1 199,3	70
5	Гулистон тумани	2 771	1 296	322	974	164	470	40	170	103	294	15	40			1 475	1 005	470		845,4	60
6	Мирзаобод тумани	2 154	653	160	493	113	324	16	75	16	44	15	50			1 501	1 090	411		713,2	117
7	Оқолтин тумани	2 039	529	130	399	86	247	20	75	9	27	15	50			1 510	1 095	415		474,0	117
8	Сардоба тумани	1 310	500	142	358	83	236	30	45	9	27	20	50			810	610	200		653,4	60
9	Сайхунобод тумани	2 376	711	209	502	134	384	40	55	10	30	25	33			1 665	1 195	470		775,3	50
10	Сирдарё тумани	1 894	502	150	352	80	229	52	70	8	23	10	30			1 392	980	412		1 458,6	70
11	Ховос тумани	1 051	146	39	107	39	97		10							905	753	152		255,0	90

Вилоят ҳокимининг
2019 йил "26" августдаги
215-сонли қарорига
7-илова

Вилоят иқтисодиёт тармоқларини 2019/2020 йил куз-қиш даврида барқарор ишлашга тайёрлашни мувофиқлаштириш бўйича вилоят комиссияси
ТАРКИБИ

Мирзаев Ғ.	-	Вилоят ҳокими, **комиссия раиси**
Каримов А.	-	Вилоят ҳокимининг биринчи ўринбосари, **комиссия раисининг ўринбосари**
Ибрахимов Ж.	-	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, **комиссия раисининг ўринбосари**
Абдуғаниев О.	-	Вилоят ҳокимининг ўринбосари, **комиссия раисининг ўринбосари**

Комиссия аъзолари:

Йўлдошев Р.	-	Вилоят соғликни сақлаш бошқармаси бошлиғи
Абдурахмонов А.	-	Вилоят халқ таълими бошқармаси бошлиғи
Дустов Д.	-	Вилоят мактабгача таълим бошқармаси бошлиғи в.б
Хажимуротов А.	-	Вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи
Рахимов А.	-	Вилоят молия бошқармаси бошлиғи
Халбаев Ш.	-	Вилоят Иқтисодиёт ва саноат бош бошқармаси бошлиғи
Мухаммедов Ғ.	-	Вилоят ёнғин ҳавфсизлиги бошқармаси бошлиғи
Самадов Б.	-	Вилоят Уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси бошлиғи
Хасанов Ж.	-	Вилоят ДСЭНМ бош врачи
Тўйчиев А.	-	Вилоят "Махалла" жамғармаси раиси
Мирзаев Х.	-	"Гулистон нефт базаси" унитар корхонаси директори
Юнусов Ш.	-	Ховос темир йўллар станцияси бошлиғи
Хайдаров А.	-	"Сирдарё ҲЭТК" АЖ директори
Хидиров Ж.	-	Вилоят бўйича газ таъминоти ҳудудий бўлими бошлиғи
Абдуғаффоров З.	-	"Темирйўлёнилғитаъмин" бошқармаси Тошкент ОТФХ Сирдарё кўмир омборлари бўйича бошлиғи
Жалолов Ю.	-	"Сувоқова" ДУК директори
Ўролов А.	-	"Ўздавнефтгазинспекцияси" бўлими бошлиғи
Усмонов Ж.	-	"Ўздавэнергоназорат" ДИ вилоят бўлими раҳбари
Абдурахмонов Н.	-	Саноат хавфсизлиги Сирдарё ҳудудий бошқармаси бошлиғи
Норбоев Н.	-	Вилоят ҳокимлиги бош мутахассиси, комиссия котиби

Изоҳ: Шаҳар ва туман ҳокимларининг коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосарлари комиссия аъзолари ҳисобланади. Комиссия аъзолари бошқа ишга ўтганда комиссия таркибига уларнинг ўрнига тайинланган раҳбарлар киритилади.